

ЎЗБЕКISTONNING ХАЛҚАРО ИМИДЖИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ХАЛҚАРО ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Хашимов Шерахон Жўрахонович

ф.ф.б.ф.д. (PhD), доцент, Самарқанд Иқтисодий ва сервис институти

E-mail – sheraxon64@mail.ru 3-йўналиши

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтиришда халқаро туристик ташкилотларнинг тутган ўрни ва аҳамияти масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга интеграциясида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги масаласига ҳам эътибор қаратилган. Ушбу соҳада олиб борилаётган сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.*

Калит сўзлар: *Халқаро имидж, халқаро туристик ташкилотлар, интеграция жараёнлари, туризм инфратузилмаси, туризм соҳасидаги имидж, замонавий туризм индустрияси.*

Аннотация. В статье анализируется роль и значение международных туристических организаций в улучшении международного имиджа Узбекистана. При интеграции Узбекистана в международные организации внимание уделяется вопросу гармонии национальных и общечеловеческих ценностей. Описаны особенности политики в этой области.

Ключевые слова: Международный имидж, международные туристские организации, интеграционные процессы, туристическая инфраструктура, имидж в сфере туризма, современная туристическая индустрия.

Abstract. The article analyzes the role and importance of international tourist organizations in improving the international image of Uzbekistan. In the integration of Uzbekistan into international organizations, attention is paid to the issue of harmony of national and universal values. Specific features of the policy in this area are described.

Key words: International image, international tourist organizations, integration processes, tourism infrastructure, image in the field of tourism, modern tourism industry.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида глобаллашув ва ахборотлашув жараёнлари амалга ошиб, ушбу жараёнда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашув жараёнлари содир бўлмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий интеграциясида унинг жаҳондаги туристик ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг кучайишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтиришда халқаро туристик ташкилотлари муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Имидж сўзи латин тилида “кўриниш”, “қиёфа”, “тимсол” деган маъноларни билдириб, бугунги кунда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш жараёнида унинг халқаро майдондаги имиджини юксалтириш масаласига эътибор кучайтирилмоқда.

“Бугунги кунда ушбу соҳада олиб борилаётган давлат сиёсати - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - истикболда ҳудудлар ва уларнинг инфратузилмасини комплекс

жадал ривожлантириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечиш, иш ўринларини кўпайтириш, ҳудудлар диверсификацияси ва ривожланишини таъминлаш, аҳолининг даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлиги ва имиджини яхшилашга қаратилган. Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – яқин йилларда юртимизга келадиган туристлар сонини 10 миллионга етказишдан иборат” [1, 173-174].

Бугунги кунда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг туризм соҳасига катта эътибор қаратаётган, ташқи ва ички туризмни ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида муносабат шаклланаётган давлат сифатидаги имиджи шакллантирилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасидаги қатор масалалар қайта кўриб чиқилди. Сайёҳларга виза бериш кескин либераллаштирилди. Аэропортларда навбатлар ва текширишларга барҳам берилди, яшил йўлаклар ташкил этилди. Меҳмонлар электрон рўйхатдан ўтказиладиган бўлди, улар эркин ҳаракатланиши учун ҳамма шароитлар яратилди. Валюта айирбошлашга чекловлар бекор қилинди. Охириги йилларда Ўзбекистонга келадиган хорижий туристлар сони кўпайди. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, уларга қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида кўпгина шаҳарларда ички ишлар тузилмаларида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди.

2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг №ПФ-158-сонли ““Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга 1-иловадаги 58 мақсад, - Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш, - деб номланган бўлиб, ушбу мақсад доирасида, Туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, тиббиёт ва таълим туризми экспортини йилига 1,5 миллиард долларга етказиш [2], белгиланган.

““Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонга 1-иловадаги 59 мақсад, - Ҳудудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, деб номланган бўлиб, ушбу мақсадда, - Ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматлари, ИТ, таълим, тиббиёт, юридик, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш [3], вазифалари белгиланган.

Япониянинг “The Japan Times” газетасида чоп этилган “Миллий сиёсат ва савдо муносабатлари барқарор ривожланмоқда” деб номланган мақолада Ўзбекистонда туризм ривожланиши ва унда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни масаласи ёритилган.

Ўзбекистон улкан туризм салоҳияти ва ғоят бой маданий-тарихий меросга эга, - дейилади ушбу мақолада, - Бу заминда пурвиқор тоғлар билан ўралган водийлар ва жазирама саҳролар, қадимий меъморий обидалари билан машҳур тарихий мажмуалар ва замонавий мегаполислар ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. Ўзбекистонда 11 та миллий табиий боғлар ва давлат кўриқхоналари, 12 та махсус кўриқхона, 106 та

музей, 37 та театр, 187 та маданият ва истироҳат боғи мавжуд. ...2018 йилда ўзбек миллий таомлари “National Geographic” журналининг “Гастрономик туризм” номинациясида биринчи ўринни эгаллади, Ўзбекистон кўплаб хорижий нашрлар, жумладан, “The New York Times”, “The Guardian”, “Lovely Planet” томонидан саёҳат учун энг жозибадор ва қизиқарли йўналиш сифатида эътироф этилмоқда [4, 300].

Euronews халқаро ахборот телеканали ва Европанинг бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам Ўзбекистоннинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги имкониятлари ёритиб борилмоқда. Euronews халқаро ахборот телеканали ўзининг ойлик томошабинлар қамрови қарийб 15,2 миллион кишини ташкил этувчи “Focus” саҳифасида Самарқанд туристик маркази замонавий конгресс-маркази, “Абадий шаҳар” тарихий-этнографик хиёбони, гаштак (балиқ тутиш учун сунъий кўл), мусикали фонтан ўрнатилган марказий сайлгоҳ, Eco Village алоҳида коттежлар мажмуаси, халқаро таснифланган брендлар остидаги 8 та меҳмонхонани бирлаштирган улкан кўп тармоқли мажмуа, Silk Road Samarkand мажмуаси Ўзбекистонга сайёҳлар оқими келишини кучайтириши тўғрисида маълумот бериб, Ўзбекистоннинг халқаро имиджининг юксалишида туризмнинг муҳим ўрин тутишига ўз эътиборини қаратган. Ўзбекистонда миллий туризмни ривожлантириш жараёнида мамлакатнинг туризм соҳасидаги имиджини сифат жиҳатидан юксалтириш, унга ижобий таъсир кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон 1993 – йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) аъзоси ҳисобланади. 2022 йил 1-3 ноябрь кунлари Ўзбекистонда Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги ўтказилган бўлса, 5 ноябрда БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош қотиби Зураб Пололикашвили Ўзбекистонга келиб, Самарқандга ташриф буюрди. Россия Туроператорлар уюшмаси (АТОР) ижрочи директори Мая Ломидзенинг фикрига кўра Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида россиялик сайёҳлар учун энг машхур йўналишга айланди. У ерда турларга бўлган талаб 20 фоизга ўсди. Самарқандга 2022 йилда 1,2 миллион хорижлик сайёҳ келди [5]. Ўзбекистонда миллий туризмни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти, туризм соҳасидаги имкониятларидан сўзловчи сифатли медиа контентларни тайёрлаш, уларни мавжуд барча коммуникация каналлари орқали жаҳон аудиториясига мунтазам тарқатиш яхши самара беради. Ана шу мақсадда Ўзбекистон имиджини жаҳон майдонида илгари суришни назарда тутувчи туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини тайёрлаш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари учун мамлакатимизнинг тарихи, замонавий тараққиёти, сайёҳлик салоҳияти, маданияти ва санъатига оид юқори сифатли фото, видео ва босма материалларни мунтазам тайёрлаш ва етказиб бериш масаласига ҳам бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг тарихи ва замонавий тараққиёти, маданияти ва санъати, тарихий шаҳарлари, анъана ва урф-одатлари тарғиб қилинган китоблар,

маълумотномалар ва қўлланмаларни хорижда нашр этиш масаласига эътиборни кучайтириш зарур бўлиб, ушбу асарларнинг хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўтказиш, уларни чет эл мамлакатлари парламент, ҳукумат ва эксперт доиралари ўртасида тарқатиш мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги имиджини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон имиджининг ўлчов мезони сифатида туризмнинг тутган ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Британиялик профессор Ш.Акинернинг фикрига кўра, “туризм миллий имиджни ривожлантириш мумкин бўлган тармоқлардан бири ҳисобланади. Чунки у хорижликларни маҳаллий аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқага киритади. Натижада ана шу сайёҳлар онгида улар ташриф буюрган жамиятлар ҳақида ўз шахсий таассуротларининг шаклланишига сабаб бўлади”. Британиялик олим С.Анхольт фикрига кўра, мамлакат имиджини мустаҳкамлаш жараёнида оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда – бошқарув, экспорт, туризм, маданият ва мерос, инвестиция ва иммиграция, одамлар ҳам муҳим роль ўйнайди [6].

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро имиджини шакллантиришда туризм соҳасида оммавий коммуникация воситаларидан ташқари турли халқаро форматда ўтказиладиган форумлар, анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, маданий кўرғазмалар, спорт мусобақалари, этнографик, диний, экологик мавзуларда ўтказиладиган турли тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистоннинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари ҳақида чет эл оммавий ахборот воситаларида ва медиамаконида мунтазам мақолалар чоп этиш ва видеоконтент узатиш, шунингдек, туризмни ривожлантириш соҳасида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб қилиш учун брифинглар, давра суҳбатлари, конференция ва семинарлар ўтказиш кутилган натижаларни беради. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини илгари сурадиган хорижий PR-агентликлари, халқаро ахборот майдонида нуфузли ва таъсирга эга бўлган хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари ва ютуқларини кенг тарғиб-ташвиқ этиш мамлакатимизга келадиган туристлар сонининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Хорижий давлатларда Ўзбекистоннинг маданияти ва санъатини тарғиб этувчи турли фестиваллар, конференция ва тадбирларни ўтказиш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради.

Ўзбекистонда замонавий туризм индустриясини шакллантириш учун кўплаб имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, соҳани ривожлантиришга комплекс ёндашилмоқда, республикада кўплаб замонавий сайёҳлик инфратузилма объектлари шакллантирилмоқда. Миллий туризмни ривожлантиришда, туризм инфратузилмасини шакллантиришда тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда миллий туризмни тизимли ва қонуниятли жараён сифатида ўрганишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

Фойдаланилган адабитёлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2021 йил.
2. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
3. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд, Тошкент, Ўзбекистон 2020 йил.
5. <https://uza.uz/posts/436423>
6. <https://beruniyalimov.uz/archives/986>
7. Курбонали С. и Умарали Ю. (2023). ВОЗРАСТНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВНОСТИ СТУДЕНТОВ КОЛЛЕДЖА. Конференция, 188–191.
8. Мамаджонов Н., Хамракулов Р. А., Хайдаралиев Х., Хасанов А., Бобожонов Н., Усманов З. КБК: Оргкомитет 751 М23.